ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-897-900

ХАВФСИЗЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Алижон Каримжонов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

Дилноза Каримжонова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада асосий диққатни жамиятимизда осоишталик, фаровонлик ва хавфсизликни мазмун ва моҳиятини ёшлар онгига сингдириб, уни бартараф этиш йуллари, янгиланаётган миллий тарбия концепсиясини асосида тарбия тизимини ташкил этишга бағишданган.

Калит сўзлар: устувор вазифалар, узаро ишонч, минтақавий хавфсизлик, мулофаа докторинаси, халқ фаравонлиги, маъмурий секторлар, соғлом турмуш тарз, умумийинсоний қадриятлар, сиёсий барқарорлик, маърифат соатлари, миллатлараро ҳамжиҳатлик,

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисдаги мурожаатномасида ишончли ҳамкор сифатида мамлакатимизнинг холқаро обрў ва эътибори, барча қушниларимиз билан дустона ва узаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш халкаро муносабатларда очиқ фаол қатнашишни таклиф этиб, халқаро ва минтақавий хавфсизлик соҳасидаги ишлар; янги Мудофаа докторинаси қабул қилинди ҳамда Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида, барча ҳудудларда ҳарбий маъмурий секторлар ташкил этиш ғояларини айтиб ўтилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу мақсадга эришиш учун мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини назарда тутишимиз керак.

Бунинг учун;

* ёшларимизга муносиб таълим бериш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-897-900

* оила тизимини тартибга олиш;
* ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш;
* мактабгача таълим тизимини ривожлантириш;
* ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
* илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилаш;
* халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш;
* соғлом турмуш тарзини қарор топтириш керак.

Тарбия жараёнида халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари урф - одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч, уларни Ватанга мухаббат, осоишталик ва фаровонлигини англаш, ҳалоллик, мардлик ва сабр – бардошликни, адолат туйғусини тарбиялаш йўлида тарбия қилишимиз зарур.

ЎзбекистонРеспубликасиКонститутсиясида фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш кафолатлари батафсил эътироф этилган, сиёсий барқарорлик мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир. Бу тушунча ўзига турли сиёсий субъектлар – халқлар, миллатлар ижтимоий ҳаракатларнинг ўзаро алоқалари тизимини англатади. Ҳозирги демократик ҳуқуқий давлатини шакллантириш жараёнида жамиятимизнинг осойишталигини, фаровонлигини таъминлаш демократиянинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, хавфсизликни барқарор қилишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва олий таълимда ёшларни сиёсиё ғояларини эркинлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий хавфсизликнинг, осойишталикни ички сиёсий, минтақавий ва халқаро турлари мавжуд. Ички сиёсий хавфсизликни таъминлашда жамиятнинг сиёсий тизими қисмлари давлат унинг органлари (сиёсий партиялар; жамоат бирлашмалари; ижтимоий ҳаракатлар) фаолияти асосий омил ҳисобланади.
Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, шуни такидлашимиз жоизки, мудофаа этувчи органларнинг жамият фаровонлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти каттадир. Улар ўз касбий фаолиятлари бўйича ҳам сиёсий осоишталик ва фаровонликни таъминлашда иштирок этадилар. Бу ўринда олий таълим талабаларини сиёсий – маърифий тарбияси билан мунтазам ва мақсадли шуғулланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси халк таълим тизимида етарли тажриба тўпланган.

Олий таълим тизим ўқув ва тарбия режасига биноан ҳар бир босқичда, ҳар бир тингловчига Ватанпарварлик, фидоийлик хислатларини шакллантириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Факультетимиз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-897-900

тингловчилари ҳар тонгни Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси садолари остида қаршилайдилар, Республика рамзларига, халқига ўз садоқатларини билдирадилар, гуруҳ ва босқичларда еса ҳар ҳафталик сиёсий ахборотлар, маърифат соатлари уюштирилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ёш авлодимизни Ватанпарварлик эл юртга садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг қалбига Ватан хавфсизлиги халқ осоишталиги ва фаровонлик фазилатлприни чуқур жойлаштириш ҳар бир тарбиячининг бурчи ҳисобланади. Ёшларнинг хавфсизлигини мудофаа қилиш, осойишталик ва фаровонликни барқарор қилиш руҳида тарбиялашда турли воситалардан фойдаланиш лозим. Айниқса, халқимиз тарихи Ватан учун жон фидолиги, топқирлиги ақл – заковатини оқилона ишга солиниши, таҳликавий жиҳатлардан мардонавор чиқа олишлиги, душман фикрини олдиндан ўқий олишлиги ва уни бартараф эта олиши, тузоққа тушмаслиги, аксинча, душманга пандбера олиши, машаққатларга чидамлилиги каби воситаларини тарбиялаш лозим.

Жумладан Спитамен рахбарлигидаги кўп бўлмаган абжир йигитлар Ватан ҳимоясига отланадилар. Спитамен бошчилигидаги аскарларнинг жасорати, топқирлиги, уддабуронлиги Александр Македонскийни қойил қолдирган.

Биз она Ўзбекистон Истиқлолини, унинг шан-у шавкатини қандай ҳимоя этишни ота – боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор. Дарҳақиқат, она Ватан озодлиги ва фаровонлигини ҳар нарсадан аъло билган мард-у майдон йигитларимиз, ҳар қандай мушкул ҳолатларга, мураккаб, жиддий вазиятларга дуч келмасинлар.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда уларнинг бўш вақтлқрини самарали ташкил қилиш муҳим омил ҳисобланади. Узликсиз миллий тарбия концепсияси шарофати билан ажойиб миллий анъаналар, урф – одатлар маросимларини тиклаш бойитиш, ҳаётга жорий этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Жамиятимиз учун етук ва баркамол кадрларни етиштириббериш, уларда Ватанига, халқига, Президентига садоқат, нодир, юксак маънавий, маданий ҳамда инсонийлик фазилатларини камол топтириш, мамлакат қудратини ошириш, фуқаролар осойишталигини кафолатлашга хизмат қилади. Бундай тарбияни беришда ўқув муассасаларда маънавий-маърифий дарслар, тадбирларни талаб даражасида ўтказиш катта уринга эгадир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-897-900

Шуни ҳам қайд қилиш керакки олий таълимда ҳарбий йўналиш бўйича кадрлар тайёрлаш, миллатлараро ҳамжиҳатлик, фаровонлик руҳида табиялашга бағишланган сиёсий билимлар ўз ахамиятини топмоқда.

Буюк аждодларимиз асрлар давомида ёшларни ахлоқий муҳит тарбиясига катта эътибор қаратганлар.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қуришнинг ўзига хос йўналишиданбири бу осойишталик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ва миллий барқарорлик, тинчлик ижтимоий баҳамжиҳатликдан куч қудрат олади. Бу ўринда ҳар бир фуқарода айниқса олий таълимда кадр тайёрлашда улар қайси миллатга мансубликлари ёки диний эътиқодларидан қатиий назар ягона Ватан туйғусини тарбиялаш, уларга шу азиз Ватан даҳлсизлигини ҳимоялашга ҳамиша тайёр туриш, руҳини сингдириш ниҳоятда долзарб вазифа эканлигини таъкидлаш лозим.

Ҳар сафар шу ҳақида ўйлаганимизда асосий қонунимизнинг 4-моддасидаги сатрлар ёдимизга тушади: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомад қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф – одатлари, анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларни ривожланиши учун шароит йаратади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон”, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 6-сон,70-модда.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. “Ўзбекистон”, 2017.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори) китобида, Т, Шарк 1997
5. А.Каримжонов «Педагогик тизимни бошқриш асослари». Тошкент 2008
6. А.Каримжонов «Харбий педагогика» (ўқувқулланма) Т.Шарқ 2005 й.